

**Олмалик шаҳар Давлат архиви маъмурий биносини жорий таъмирлаш  
буйича талаб этиладиган хужжатлар**

Танловда иштирок этиш истагида булганлар, талабгорлар лойиха смета хужжатлари, экспертиза хулосаси ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилаётган курилиш объекти буйича узининг проект (чизмаси)ни тегишли давлат идораларидан тасдиқлатиши. Танлов савдо иштирокчиси тугрисида умумий ахборот (Устав ва Гувоҳномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари). Танлов иштирокчилари факатгина ташкилот раҳбари ёки унинг урнини босувчи шахс ( ишончнома асосида) булиши лозим.

1. Таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши буйича расмий кафолат хати.
2. Талабгор пудрат ташкилоти тижорат таклифи билан бирга суммали ОФФЕРТА хужжатини ҳам такдим этиши лозим.
3. Корхона ҳисоб-ракамида шартнома суммасининг 50% миқдорда маблаг мавжуд булиши.
4. Корхонанинг шу даврга қадар бир йиллик пул маблағлари айланмаси (30 млрд. сумдан кам булмаган) тугрисида банкдан маълумот.
5. Танлов савдо иштирокчининг молиявий ҳолати, охириги 3 йилдаги молиявий ҳисобот натижалари иловаси билан Форма №1 ва Форма №2 шакллари.
6. ДСИдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот.
7. Малакали ишчиларнинг буйрук асосида ишга олинганлиги тугрисида маълумот ва меҳнат дафтарчаларидан қучирма.
8. Пудратчининг техникалари мавжудлиги тугрисида маълумот.
9. Жорий этилган банкротлик тартиб-гаомиллари мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот.
10. Талабгор пудрат ташкилоти 6 (олти) йилдан кам булмаган иш тажрибасига эга булиши ҳамда бюджет ташкилотлари билан амалга оширилган таъмирлаш ишлари буйича шартнома нусхалари.
11. Такдим этилган кафолат хатида белгиланган муддат ичида қилинган ишлардан қамчиликлар аниқланса, Пудратчи ташкилот ҳисобидан алмаштирилиши ва қайта таъмирлаб берилиши инobatга олинсин.
12. Танлов қатнашчисининг пакетида талаб этилган хужжатлар булиши шарт ҳамда ушбу талабларни бажармаган пудрат ташкилотлари танловдан четлаштирилади.



М.М. Шаров

